

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

РЎНОМА 1928 ИЛИ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН



Вилоят ижтимоий-сиёсий рўномаси

1992 йил 18 январь • шанба

№ 13 (10.262). Баҳоси 35 тийин.

ПАРЛАМЕНТ МАХСУС КОМИССИЯСИДА

16 январда Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг янги тузилган Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини хорижий мамлакатлар тан олиши, улар билан дипломатик муносабатлар ўрнатиш ва Ўзбекистон Республикасининг дипломатик муассасалари ҳамда ваколатхоналарида ишлаш учун номзодларга доир тавсияларни тайёрлаш билан боғлиқ масалаларни атрофлича ўрганиш махсус комиссиясининг биринчи мажлиси бўлди.

Мажлисни комиссия раиси, Ўзбекистон Республикаси халқ ноибиди М. Қ. Қаюмов олиб борди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги эълон қилинган 1991 йил 31 августдан буён ўтган даврда Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллигини шу кунгача 44 та хорижий мамлакат тан олди. Туркия, Америка Қўшма Штатлари, Англия, Франция, Олмония, Ҳиндистон, Хитой, Эрон, Покистон, Миср шулар жумласидандир. Улар билан дипломатик муносабатлар ўрнатиш, мустақил Ўзбекистон тақдирини ўйлайдиган, унинг манфаатларини юксак даражада теран таҳлил эта оладиган, чет тилини биладиган етук кишиларни танлаш, тарбиялаш, мазкур соҳада фао-

лият кўрсатишга тавсия этиш мураккаб, масъулиятли жараёндир. Турли касбга, ёшга мансуб, билим ва амалий тажрибага эга бўлган Ўзбекистон Республикаси халқ ноибларидан иборат комиссия мажлисида ана шу ишларни амалга ошириш режалари, комиссия фаолиятининг асосий йўналишлари муҳокама қилинди. Бу ҳақда комиссия раисининг ўринбосари, Давлатлараро алоқа ва миллатлараро муносабатлар масалалари бўйича давлат маслаҳатчиси, Ўзбекистон Республикаси халқ ноибиди Ш. С. Зиёмов ахборот берди.

Шунингдек, мажлисда комиссия котиби этиб Ўзбекистон Республикаси халқ ноибиди, Халқаро ишлар бўйича комитет аъзоси Р. Раҳмонов тасдиқланди.

МОСКВА КЕНГАШИ

МДХда қатнашувчи давлатлар бошлиқларининг кенгашида еттига ҳужжат имзоланди. Жумладан, кенгаш қатнашчилари стратегик кучлар ҳарбий хизматчилари учун ва умумий вазифаларни бажарувчи кучларда хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар учун ҳарбий қасамёдларнинг матнларини тасдиқладилар.

Амалий учрашувда ҳарбий-денгиз раҳбарлари алмашириш мақсадга мувофиқ деб топилди. Энди ҳарбий-денгиз кемаларида Россиянинг тарихий Андреев байроғи асосий байроқ бўлиб қолади.

Собиқ СССРнинг ҳарбий-денгиз флоти ҳамдўстлик стратегик кучлари таркибига киришини кенгаш қатнашчилари ўзлари қабул этган ҳужжатда тасдиқладилар. Қора денгиз флотининг Украина қуроли кучлари таркибига кирадиган қисмлари бундан мустаснодир.

Орасида МДХ давлат бошлиқлари кенгаши ва ҳукумат бошлиқлари кенгашининг мажлисларини ташкилий-техникавий жиҳатдан тайёрлайдиган ва ўтказадиган ишчи гуруҳи тўғрисидаги муваққат низоми тасдиқлаш ҳақидаги ва Иван Михайлович Коротченни шу гуруҳнинг мувофиқлаштирувчиси этиб тайинлаш тўғрисидаги протоколлар бор.

Кенгашда ҳукуматларнинг бошлиқларига ҳамдўстлик доирасида ишлаб чиқариш-техника муносабатларининг

бир қанча турларини етказиб беришга лицензия ва нормалар белгилашни ҳамда муносабатларни ҳамдўстликда қатнашувчи давлатлар ҳудуди орқали олиб ўтиш хусусидаги чеклашларни, шу жумладан муносабатларни, хусусан экспорт-импорт юкларини олиб ўтганлик учун қўшимча ҳақ тўлашни бекор қилиш тўғрисида битим тайёрлашни топширишга қарор қилинди.

Кенгаш қатнашчилари шунингдек баёнот қабул қилдилар. Мустақил давлатларнинг бошлиқлари баёнотда, жумладан, яқин вақт ичида «ҳамдўстликда қатнашувчи давлатларнинг ҳудудларидаги қуроли кучларнинг мақоми тўғрисида халқаро даражада битим қабул қилишга, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг онла аъзолари учун халқаро ҳуқуқ меъёрларига биноан сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва шахсий ҳуқуқлар ҳамда эркинликларнинг ҳаммасини тўла-тўқис миллий қонунлар билан таъминлашга» тайёр эканликларини изҳор қилдилар. Ҳарбий хизматчиларнинг уй-жой масалаларини ҳал этиш учун махсус дастурларни ишлаб чиқиб, қабул этиш, уларнинг пенсия таъминотини келишилган тартибда амалга ошириш белгиланди.

Қўшинларни қисқартириш ва бир жойдан иккинчи жойга кўчириш масалалари фақат ҳуқуқий асосда ҳал қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРОРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади: Мирсафоев Сирожиддин Ўзбекистон Республикаси прокурорининг ўринбосари этиб тайинлансин, Донцов Владимир Васильевич республика ҳудудидан чиқиб кетиши муносабати билан мазкур вазифадан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси Ш. ИҲЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 14 январь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИДАГИ УЗГАРТИШЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади: 1. Ўртоқ Казаков Николай Иванович ўз хоҳишига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий судининг аъзоси вазифасидан озод этилсин.

2. Ўртоқ Шумарин Николай Иванович Тошкент шаҳар судининг аъзоси вазифасидан озод этилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг аъзоси этиб сайлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси Ш. ИҲЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 14 январь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙРИМ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади: Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйидаги фармонлари тасдиқлансин:

«Ўзбекистон Республикаси Телевидение ва радиоэширтириш давлат қўмитасини Ўзбекистон Телевидение ва радиоэширтириш давлат компаниясига айлантириш тўғрисида» 1992 йил 7 январда чиқарган фармони;

«Ўртоқ Ш. Н. Маҳмудовани Ўзбекистон Республикасининг ташқи ишлар вазири вазифасидан озод қилиш тўғрисида» 1992 йил 7 январда чиқарган фармони;

«Ўртоқ У. А. Абдуразақовни Ўзбекистон Республикасининг ташқи ишлар вазири этиб тайинлаш тўғрисида» 1992 йил 7 январда чиқарган фармони.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси Ш. ИҲЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 13 январь.

ҚУТЛОВ

ТОШКЕНТ,
ЎЗБЕКИСТОН

РЕСПУБЛИКАСИНING ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВГА

Сиз Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига халқ томонидан сайланганингизни эшитиб гоят мамнун бўлдим ва ўзининг қизгин қутловларини йўллайман. Сизнинг раҳбарлигингиз остида Ўзбекистон тез равишда топишига ишонаман.

Бизнинг гуруҳимиз Сиз билан мустаҳкам алоқа ўрнатакаги мени гоят завқландиради. Сизни яна бир бор табриклашга руҳсат бергайсиз, энг яхши тилакларимни қабул этгайсиз.

ОЛИГЕР СТАХЕЛ,
«Стахел Гардмейер ағ» компаниясининг раиси,
Цюрих, Швейцария.

• Булар сиздан миннатдор

УМРИНГИЗ БОҚИЙ БЎЛСИН

Қўпинча инсон саломатлигининг қадрига уни йўқота бошлаганида етар экан.

Бундан бир неча йил аввал буқоқ ҳасталигига йўлиқдим. Тошкент педиатри тиббиёт билимгоҳи шифокорлари операция қилиб, бўйнимдаги безни олиб ташлашди. Ва бундан кейин доимо уларнинг назоратида бўлишим кераклигини таъкидлашди. Инсон табиати шунақа экан. Ўзини яхши ҳис эта бошлагач, иш, оила, уй юмушлари билан овора бўлиб шифокорларга мурожаат қилмай қўйдим. Лекин буқоқ ҳасталиги юрак

ка салбий таъсир қилиши мумкинлигини эшитган эдим.

Яқинда юрагим тўсатдан безовталаниб, ўзимни ёмон ҳис эта бошладим. Мени дарҳол Тошкент шаҳридаги жумҳурият эндокринология билимгоҳининг радиология бўлимига ётқизишди. Доцент Жўра Орипов ҳамда бўлим мудири Абдукарим Абдуҷамилов аҳволимни синчилаб ўрганиб, даволай бошлашди.

Чет эл замонавий тиббий асбоб-анжомлари билан жиҳозланган шифохонда фаолият кўрсатаётган нажоткорлар барча беморлар

қатори мени ҳам астойдил даволашди. Тез кунда соғайиб, оёққа туришимда юқориди номлари зикр этилган жонкуярлар, шунингдек, даволловчи шифокор Роза Мавлонқориева, ҳамширалар Мавжуда Мусаева, Дилбар Тошевларнинг хизматлари беқиёс бўлди.

Рўзинома орқали мана шу тажрибали, софдил ҳамда меҳрибон шифокорларга миннатдорчилик изҳор этиш билан бирга уларнинг барчасига саломатлик, бардамлик ҳамда боқий умр тилайман.

Насиба ҒОҒУРОВА,
Қибрай ноҳияси.

ОРОЛБЎЙИГА ХАЙРИЯ ЁРДАМИ

Тошкентга болалар даволаш-профилактика муассасалари учун асосан тиббий дори-дармондан иборат хайрия ёрдами келди.

У Қизил крест ва Қизил ярим ой жамиятлари уюшмасининг Япония Қизил крести маблағи асосда ташкил этилди. Бу дори-дармонларни республикамизга жўнатишда Голландиянинг Қизил крести ҳам қатнашди.

Хайрия ёрдамидан Оролбўйи минтақасидаги болалар касалхоналари ва муассаса-

лари баҳраманд бўладилар. Қўтиларда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Бухоро вилоятининг шимолӣ қисмидаги, шунингдек Туркменистоннинг Тошхуву ва Қозғистоннинг Қизил Урда вилоятларидаги касалхоналарнинг аниқ манзили кўрсатилган.

Буларнинг ҳаммаси Қизил крест ва Қизил ярим ой жамиятлари ташкил этган Оролбўйи аҳолисига ёрдам кўрсатиш комиссияси иши натижасидир.

[ЎТАҒ].

• Янги дастур

МАКТАБЛАРДА таълим-тарбия ишлари яхшилаш, ўқувчилар билимини бойитиш, дунёқарашини ўстириш, эстетик тарбиялашда Файзулла Қодирхўжаевнинг «Мактабда бадий безаш ишлари» деб номланган қўлланмаси муҳим роль ўйнайди. Қўлланмада муаллиф ҳозирги мактабларнинг бадий безаги жуда ночор аҳволда эканлигини ҳисобга олиб, бу ишларни яхшилашнинг самарали йўллари излаб топган.

Муаллиф мактабларда бадий безаш ишларини яхшилаш учун аввало педагогика олий ўқув юртинининг бадий-графика бўлими талабаларига янада чуқурроқ ва пухта билим бериш кераклигини уқтиради. Бунинг учун энг олдин ўзбек тилидаги таълим мактабларига бадий безаш санъати бўйича қўлланма кераклиги таъкидланади. Чунки ҳозиргача шу соҳа бўйича ўзбек тилида бирорта ҳам қўлланма йўқлиги ўқитувчи ва талабаларга қийинчиликлар туғдиришда, деб тўғри баҳолайди.

Муаллиф ушбу табиий ҳолатдан келиб чиқиб, бу қийинчиликларни бартараф этиш учун методик қўлланмани ёзган. Бу китобнинг бошқа қўлланмалардан фарқи биринчидан, ўзбек тилида яратилиши, иккинчидан эса Ўзбекистон шароитига, иқлимга мос ҳолда безатишнинг сирлари яхши ёритиб берилганлигидадир.

Биринчи бобда мактабларимизни бадий безаш мақсади, вазифаси ва мазмуни, уйғунлик, ранг ва ёруғлик ҳақида атрофлича фикр юритилган. Айниқса, мак-

табларни бадий безаш ишларида, композициянинг бир текис, ҳажмли, кенглик ва

МАКТАБЛАРНИ

БАДИЙ



БЕЗАШ САНЪАТИ

чуқурликка эга бўлган турлари ҳамда рангларнинг болалар руҳиятига таъсирини ҳар хил мисоллар орқа-

ли психологик-педагогик асосда тушунтириб берган.

Иккинчи бобда эса мактабда бадий безаш ишларини ташкил қилиш ва амалга оширишнинг назарий ҳамда амалий томонлари ёритилган. Айниқса, бу бобнинг асосий, диққатга сазовор жойларидан бири интерьер ва пештоқ бўйиш ҳамда табиий ўсимликлардан фойдаланиш қисмидир.

Мактаб деворларини бўйишда ранглар турли ёшдаги ўқувчиларга турлича таъсир этишини ҳисобга олиш ва рангларни ўз ўрнида қўллаш мактабдаги таълим-тарбия ишлари сифатини оширишда ҳам катта аҳамиятга эга эканлиги мисоллар асосида ёритилган.

Учинчи бобдаги мактаб интерьерлари — ўқув хонаси, синф хоналари, раҳбар хонаси, ўқитувчилар хонаси, ошхона каби жойларни бадий безашнинг тўғри ташкил этилиши ҳақидаги мулоҳазалар ҳам муаллифнинг кўп йиллик бой, амалий ва назарий тажрибалари асосида ёзилган.

Қўлланмада мактабларни бадий безаш ишларида миллий хусусиятларга янада кенгроқ ўрин берилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Хулоса қилиб айтганда, бу қўлланма мактабларда бадий безаш ишларини илмий ва амалий жиҳатдан ҳозирги замон даражасида бўлишига эришиш учун жиддий аҳамиятга эгадир.

Саидахбор БУЛАТОВ,
педагогика фанлари
номзоди.

• Ҳамкорлик робиталари

Ўзбек олимлари АҚШда

Ўзбекистон Фанлар Академияси биорганик кимё илмгоҳининг етакчи ходимлари — фан докторлари Тоҳир Орипов билан Бахтиёр Иброҳимов Қўшма Штатлар сафаридан қайтиб келди. Бундан икки йил аввал Нью-Йоркдаги кимё лабораторияларининг бирига бошчилик қилаётган профессор Шелдон Сегал Тошкентда бўлган вақтида сафар мақсадлари ва унинг режалари келишиб олинганди.

Америкалик олимнинг лабораториясидаги бошқа ходимлар сингари Тошкентлик ҳамкасбларнинг госсипол ўрганишга доир асарлари қизиқтириб қолган эди. Госсипол моддаси пахтада, айниқса унинг чигитида кўп бўлади. Модданинг инсон танасига таъсир қиладиган хилма-хил ҳоссалари бор.

Биорганик кимё илмгоҳи ходимлари меҳмонни ўз тадқиқотлари билан таништирдилар, илмгоҳда турли лабораторияларда тадқиқ этиш натижасида олинган дори-дармонларни кўрсатдилар. Улар орасида киши танаси иммунитет тизимига таъсир қилувчи бўлаётган жуда яхши натижалар берадиган батриден дориси, тери касалликларини даволашда қўлланиладиган малҳам дори бор.

Америкалик кимёгар АҚШ, Швейцария ва Хитойда Бахтиёр Иброҳимовнинг жуда тоза госсипол олишга доир илгари сотиб олинган асарларига айниқса қизиқиб қаради. Тоҳир Ори-

пов бошчилик қилаётган лабораторияда Тошкентлик ёш тадқиқотчи модданинг захарини жуда пасайтиришга эришаётгани ва бу йўлда уни тозалашнинг янада самарали усулларини қидираётгани тўғрисида хабар берилганидан сўнг, америкалик олимнинг қизиқиши янада кучайди.

Профессор Шелдон Сегал ўзининг ўзбекистонлик ҳамкасблари билан алоқаларини ривожлантириш ниятида эканлигини айтди, чунки бу тадқиқотлар Нью-Йорк лабораториясида олиб борилаётган ишлар билан жуда уйғунлашиб кетади. Уч йиллик муддатга ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузилди. Унда Тошкент кимёгарлар фаолиятини тегишли маблаг билан таъминлаш кўзда тутилган. Тез орада илмгоҳга ана шу мақсад учун Рокфеллер жамғармасидан 50 минг доллар ажратилди.

Ўзбек олимлари Нью-Йоркда бўлганларида Шелдон Сегал ва унинг ходимларига режалаштирилган дастур қандай рўёбга чиқарилаётгани тўғрисида гапириб беришди. Бир неча йил ичида кашф этилган госсиполнинг низоҳатда тоза хиллари юзтагача етказилди.

Америкалик кимёгарлар ўз навбатида ўзбек ҳамкасбларини ўзлари олиб бораётган тадқиқотлар билан батафсил таништирдилар. Бундан кейинги ижодий алоқалар режаси келишиб олинди.

Л. ГРИГОРЬЕВ.
(ЎЗАТ).

МУҲАРРИРИЯТГА ХАТЛАР

БОЛА ЙИҒЛАЯПТИ-Ю, ЛЕКИН...

Мазкур мактубни сизларга йўллашдан аввал анча ўйладим. Ҳозирги пайтдаги иқтисодий тақчиллик, вазиятнинг мураккаблигини тушуниб турибмиз, бироқ ёзмасликнинг ҳам иложи йўқ экан. Ахир ҳалқимизда «Бола йиғламаса она сут бермайди» деган нақд бор. Дарвоқе, мен худди ўша йиғлаётган болалар ва уларнинг оналари номидан ёзяман. Кейинги пайтда дўқонлар пештахталарининг бум-бўшлигига кўникиб қолдик. Бироқ норасида гўдакларнинг насибаси қирқиб қўйилгани ноинсофлик эмасми?

Бизлар истиқомат қиладиган «Геофизика» кўрғонинда ёш болали оналар талайгина. Ўзининг ҳам

набираларим бор. Илгарилари чақалоқларга бериладиган сунъий сут порошоклари пештахталарни безаш учун тахлаб ташланарди. Энди эса «Малютка», «Малыш», «Бонна» сингари гўдаклар овқатлари ҳам тортилиб қолди. Чақалогини боқиб иккони бўлмаган оналар нима қилишларини билмай қолишди. Барча озиқ-овқатлар талон орқали бериланти. Мава шу чақалоқларнинг сунъий сутлари ҳам зарур бўлган оналарга талон билан берилса яхши бўларди.

Бир гуруҳ ёш оналар номидан:

Баҳриниса ҚОРАХОНОВА,
Қибрай ноҳияси.

ОНА тилимизга давлат мақоми берилиши муносабати билан номлашда бир қатор чалкашликлар ва сунъийликлар келиб чиқмоқда. Кўчалардаги нақлиёт воситалари бир қарашда тўғри ёзилгандек, синчиқлаб разм солсангиз...

«Ёнғиндан хавфли», «Яхшилик, одамийлик, раҳмдиллик, олижаноблик — бизнинг бурчимиз!», «Сизнинг ишончли дўстингиз — ГОССТРАХ», «Ильхом» театр студияси таклиф этади»...

Биргина «Ёнғиндан хавфли» бирикмаси устида тўхтамайсиз. Бу бирикма «Огнечасно» сўзининг таржимаси сифатида қўлланилган ва хатога йўл қўйилган. Чунки айнан таржимаси «Опаснее огня» бўлади. Ўзбек тили грамматикаси нуқтаи назаридан бу тушунча («ёнғиндан хавфли») сўз бирикмаларининг бирор гу-

«ЁНҒИНДАН ХАВФЛИ»МИ?

руҳига ҳам мос келмайди. Қиёслаймиз:

1. Тошқин ёнғиндан кўра хавфли.

2. Ёнғиндан хавфли нарса бор дунёда.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, «ёнғиндан хавфли» сўз қўшилмаси ноўрин қўлланилган.

Олий ўқув юртинларидаги ўрта махсус билим юртинларидаги ўқитувчиларга «домла» деб мурожаат қилинади. «Домла» сўзининг маъно доираси ҳозирги кунда кенгайгандир. Муаллимларга ҳам худди шу хилда мурожаат қилинмоқда. Утмишда «домла» деб эркак жинсидаги кишиларга нисбат берилган. Ўқимишли аёлларга ва муаллимларга эса «отиной» деб мурожаат қилинган. Ҳар бир сўзини

ўз ўрнида қўллаган маъқул. Муҳтарам устозларимизга «устоз» ёки «опа» деб мурожаат қилинса, менимча, тўғри бўларди.

«Олийгоҳ» сўзи кўп қўлланилмоқда. Агар олий маълумот берадиган даргоҳ «олийгоҳ» бўлса, ўрта мактаб «ўртагоҳ», махсус билим юртинини «махсусгоҳ» дейиш керак бўлади. Умуман, сифат туркуми жой номини билдирувчи аффиксини қабул қилмаслиги аввалдан маълум. Шунинг учун мен «олийгоҳ» эмас, «олий билимгоҳ» деб аташни тўғри деб ҳисоблайман.

Саидвали СУЛАЙМОНОВ,
ТошДД ўзбек филологияси факультетининг битирувчиси.

ХОРИЖДАН ХАВАРЛАР

● САУДИЯ Арабистони билан Озарбайжон Жумҳурияти ўзаро дипломатик алоқа ўрнатдилар. Озарбайжон Жумҳурияти бош вазири Г. Гасановнинг Саудия Арабистонига қилган уч кунлик сафари пайтида ана шу ҳолатни назарда тутувчи икки ўртада қабул қилинган ҳужжатга имзо чекилди.

● МУҲУЛИСТОН Жумҳурияти бош вазири Даниш Бямбасурэн куни кеча истефода чиқажаклигини эълон қилди. Шу муносабат билан баёнот берган бош вазир иқтисодий ислоҳот ўтказиб бўлган ўз ҳукуматига танқид кучайиб кетганлиги туфайли шундай қарорга келганлигини айтди.

● КАМБОДЖАДА деярли ўн беш йил давом этган фуқаролар урушидан азият чеккан халқ низоҳат кейинги

пайтларда биров енгил нафас ола бошлади. Сийсий ва иқтисодий ҳаётда дастлабки оқилона қадамлар қўйила бошланди. Утган чоршанба куни Пномпень хибхонасидан 290 нафар маҳбуслар озодликка чиқарилди. Улар орасида 110 нафари сиёсий маҳбуслар бўлиб, қолган 180 нафари ҳарбий асирлар эди. Маҳбуслар Халқаро Қизил Ярим ой жамияти қарори билан бўшатилди. Валиаҳд Нородом Снанук бу масалани ижобий ҳал этишда фаол иштирок этди. Ҳарбий асирлар ҳамда сиёсий маҳбуслар озод этилиши муносабати билан Н. Снанук ўз мамнулигини назор этди. У эндигина қамондан қутулган маҳбуслар ҳузурида ҳозир бўлиб, уларга оқ фотиҳа берди.

● ЖАНУБИЙ Корея ху-

дудида жойлашган Америка Қўшма Штатлари 8-армияси вакили Сеулда сўзга чиқиб, 15 январь куни Корея Халқ Демократик Жумҳурияти ҳудудида «У-2» тоифасига кирувчи жосус-тайёранинг ҳалок бўлганлигини айтди. Шу орада Пентагон вакили мазкур тайёранинг машқ парвозларини бажарётган пайтда ҳалок бўлганлигини тан олди. Тайёра Жанубий Корея ҳаво бўшлиғида бўлиб, Япон денгизи соҳили бўйлаб шарқий томонга учиб бораётган эди. Тайёра уриб туширилган бўлиши мумкинми, деган савол очиб қолди. Бўлиб ўтган воқеа ҳақида АҚШ президенти Ж. Бушга хабар қилинганда, у бу воқеани шарҳламади.

● ЭРОН ҳукумати мамлакат ичкарисидан сўнгги маҳалда кенг кўламли қулоқ олиб бораётган беодоб видеокассеталарга қарши курашини кучайтира бошлади. Маданият ва ислом йўналиши вазири Муҳаммад Хотамий шу муносабат билан ҳорижда ишлаб чиқа-

рилган, намоён этишга мўлжалланган кино маҳсулотлари ёшларга ёмон таъсир қилмоқда, миллатнинг маънавий қадриятларини емирмоқда, деди. Лекин, бу йўлдаги кураш енгил бўлмайди, деди ана вазир, у узок давом этиши мумкин. Чунки, ҳар ўн онланинг ярмидан кўпиди бундай кассеталарини намоён қиладиган жиҳозларини топши мумкин.

● САНДИНОЧИЛАР армияси қўмондон Умберто Ортега куни кеча АҚШ зобити Деннис Куинни Сандино халқ армиясининг олий ишониларидан бири бўлган, 1978 йилда Сомосо диктатурасига қарши кураш пайтида ҳалок бўлган Камилло Ортега номидаги медал билан мукофотлади. Д. Куинни АҚШ ҳамда Никарагуа қуролли кучлари ўртасидаги касбий ҳамда дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга қўшган катта хизматлари учун ана шундай шарафга муяссар бўлди.

● УТГАН йилнинг декабрь ойда Америка Қўшма Штатлари тадқиқотчила-

рининг маълумотларига қараганда, ишсизлик даражаси 7,1 фоизга кўтарилди. Бу маълумотни АҚШ меҳнат вазирилик ҳам тасдиқлади. Утган йил ноябрь ойига нисбатан ишдан маҳрум бўлган америкаликлар 300 минг кишига кўпайди ва ҳозирги пайтда 8,9 миллион кишини ташкил этади. Бу — Америка Қўшма Штатларида 1984 йил январидан буён қайд этилган энг юқори ишсизлик даражасидир. Уша пайтда ишсизлар сонини 9 миллион кишига етган эди.

● УТГАН чоршанба куни Япония ҳукумати Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи собиқ СССР жумҳуриятларига 40 миллион доллар миқдоридан ёрдам бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Ердамнинг аниқ мазмуни тўғрисида яқин кушлар ичида Вашингтонда очиладиган халқаро учрашувда Япония ташқи ишлар вазири Митино Ватанабэ ахборот беради.

ҚАДРИЯТ

ҲОЖИ МУҲИДДИН ТУРА МУҲИИ мумтоз ўзбек ашъориятининг сўнгги йирик вакиллари. Унинг асли зоти Қандаҳорлик ўзбек уруғларидан бўлиб, 1835 йилда таваллуд топди. Ҳожи Муҳиддиннинг отаси Художў бадавлат савдогар бўлиб, ўз замонасининг юксак маданиятли шахсларидан эди. Ўғлига ҳам яхши тарбия берди. Бўлажак шоир араб, форс тилларини, улуг шарқ адибларининг ижодини кунт билан ўқиди ва ўқди. Мумтоз шеърят асарларини зўр ҳавас билан ўрганди. Бўлажак шоирда ижодий мароқ жуда эрта уйғонди. Шеърлар машқ қилишга киришди. Балоят ёшига етганда «Муҳий» тахаллуси билан яхши шоир сифатида танилди. Охири оқибатда зуллисонайн (икки тилда ижод қилувчи) шоир сифатида машҳур бўлди. Унинг туркий (ўзбек) ва форс тилларида битилган ғазал, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, қасида, рубоий ва фардлари бадий таъб эгаларининг қалбига йўл топди. Замондошларининг юксак баҳосига сазовор бўлди. Улуг шоир Муҳий Муҳий билан ораларида ўтган айрим гап-сўзларга қарамай, Муҳийни шоир сифатида юксак қадрларди. Бир ёз андижонлик дўстларига битган саломномасида ўша пайтда Андижоннинг Бўтиқора мавзёда дам олаётган Муҳийни эслаб:

Ҳожи Муҳиддин Тўрам ҳам олсалар шояд «Алик»,
Ким деганймен ёд этур
Бўйтақароларга салом,

деб ёзган эди. Бугина эмас, Муҳий Муҳийнинг бир неча ғазалларига татабуъ тарзида ўша мавзу, вазн ва қофияда ажиб шеърий бадиҳалар битганлиги маъ-

лум. Чунончи, Муҳийнинг: **Куюб ўлдуғум мани шамъидек ўшал офтоби жамоладур, На қамар, на меҳр, на сарв, гул, на суман, на бадр ҳилоладур,** — байти билан бошланган ғазалига жуда ажойиб ўхшашли ғазал бунёд этганлиги фикримизга мисол бўла олади. Муҳий ўз замонасининг юксак маданиятли фозилларидан, закий аллома ва нафис хатот ҳам эди. У ўз

жисмига гўёки экан Муҳий. **Бўлур ҳар лаҳза минг мазмуни рангин таъбидин содир, Магарким гавҳари мазмуни равшанларга кон Муҳий,** — дея таърифлаганди. Муҳий умрининг охирида ўз шеърларини жамлаб, «Девон» тузди. Унинг форс ва туркий (ўзбек) тилида битилган ғазал, мураббаъ, мухаммас, мусад-

Баски сенсен дилрабо нозанини хуш адо. **Хўбрулар сарварисан, дилраболар хисравн, Хусн мулки ичра бўлмиш бул замон ҳукминг равон.** Оҳким, ҳижрон ичинда зарра сабрим қолмади, **Лутф этиб кел қошима, эй нозанин моҳлиқо.** Найларим сансиз жаҳонда маҳжабинлар базминн, **Ушбу давлат неъматидин менга васлинг муддао.** Қоматинг васфин эшитгач қумри айлаб нолалар, **Сарв ила шамшод бўлмиш сарингун гулшан аро.** Раҳм этиб, айлаб ҳиром, эй гулбадан, шод айлагил, **Ким ўлар ҳолатга еттим сансиз, эй гулгун қабо.** Ер учун қилдинг мувашшаҳ Муҳий ушбу кеча, **Дилбаринг ташриф этармиш, толе ўлмуш раҳнамо.**

Гунча оғзин қилса нисбат ногаҳон ёр олдида, **Эй сабо ёрим учун оғзин очар ёр олдида.** Айла авроқни паришон гулни ҳам гулшан аро, **Айласса ғамзанглиг лофини дилдор олдида.** Айламанг нисбат қадини сарв ила тубига ким Илкимизда не мажол ул сарв рафтор олдида. **Ул жамола борига гулбоғ аро ошуфтаҳол, Лек йўқ сувсаида тилким қилса изҳор олдида.** Тор-мор сумбулингни нигоҳидақ қон ютуб, **Нофа янглиг ҳиндунидур мушк тотор олдида.** Ул пари кўйига ногоҳ ёр топсанг эй сабо, **Шарҳи даштино қуюм айла изҳор олдида.** Хундилман лола янглиг гул юзинг шавқида ким, **Санга етмас арзи ҳолим жамъи ағёр олдида.** Охи чекмай, найлаини ким фарқ этмас ёрлар, **Бўлди хор меҳрин баробардур шаҳвор олдида.** Бўлмаунму мунча ширин сўзласа қилса рақам, **Муҳий ширин сухан ул шарҳи гуфтор олдида.**

МУРАББАЪ

Ҳар нафас доғи-ла ул меҳри раҳшон куйдирур, **Ғаҳ жамоли шуъласидин, гоҳ хиромон куйдирур,** **Ғаҳ васлидин ёнурман, гоҳи ҳижрон куйдирур,** **Бўйла куйдурмоғни ёраб, қай мусулмон куйдирур.** Шоми ҳижрон ичра йиғлаб бенаволиг кунжида, **Юз гудозу сўз бирлан мубталолни кунжида,** **Шамъидек базмида ўртаб гоҳ жудолиг кунжида,** **Интизор айлаб мудом ул аҳди ёлғон куйдирур.** Айлади бедодлилар ул париваш оҳким, **Хублиг мулкида эрди бир париваш оҳким.** Пойнтахт эрди ҳаёлига кўнгиллар, оҳким, **Қайси золим шоҳ қилиб мулкни вайрон куйдирур,** **Қилмайин обод ҳаргиз бу дили вайронани,** **Куйдириб доғ устига ўртаб мани девонани.** Куймайинму ким буён ўтидин парвонани, **Ошно бўлгон сари ул номусулмон куйдирур.** Кўрмадим гулдек юзини бир нафас ман хорсиз, **Васл чоғи чиқмайин ман базмидин озорсиз.** Термулмай оразига бир нафас ағёрсиз, **Бу сабаб бир умр ҳасрат бирла армон куйдирур.** Муҳийни ишқ ичра собит фаҳм этинглар, дўстлар, **Жўн бу сабру қарорин фаҳм этинглар, дўстлар,** **Ошиқи кўндур вале сиз фаҳм этинглар, дўстлар,** **Бўйла куйдурмоқни, ё раб, қай мусулмон куйдирур.**

МАВЛОНО МУҲИИ

дастхати билан Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Лутфий ашъоридан шингил баёзлар битиб, хатотий нақшлар билан безади. Замон ҳодисалари ва фозилларига бағишлаб яхши қасидалар битди. Муҳийнинг замон маданияти ҳаётидаги кўп қиррали ижодий фаолияти машҳур Худойёрхоннинг ўғли Муҳаммад Фансуруллобек шоирга бағишланган бир қасидасида: **Маоний кишварининг файжиға соҳибқирон Муҳий,** **Ғазал бирла ҳасонд**

дас, қасида, тарих, рубоий ва фардларини ўз ичига олган «Девон»и асримиз аввалларида тошбосмада нашр этилди. Мумтоз ўзбек адабиёти ва маданияти тарихида сезиларли из қолдирган мавлоно Муҳий 1911 йилда Қўқонда вафот этди. Қўйида унинг ижодидан намуналар чоп этилмоқда.

Муҳий ЗОКИРОВ, **филология фанлари номзоди, жумҳуриятда хизмат кўрсатган ўқитувчи.**

МУҲИИ

ҒАЗАЛЛАР

Э қаро кўз наргисинга бўлғуси жонлар фидо,
Бул қаро қошигга бўлмиш халқи олам мубтало
Рост айтсам сен каби оламда йўқ бир нозанин,
Сиймтан, гул пирохан, ширин сухан, Юсуфлиқо.
Танда тобу дилда тоқат қолмади кўрган замон,
Ой юзингни ким эрур ойнан оламанмо.
Қиссан ҳуснингни ёзсам бўлғусидир бир китоб,

X—XII асрлардаги Ўрта Осиё халқлари адабиёти туркий, араб ва форсий тилларда яратилиб, жанр, мавзу, ғойвий йўналиш, бадий қудрат жиҳатидан жаҳоншумул шуҳрат топди. Айрим, адиблар бир йўла бир неча жанрларда ижод этдилар, бадий ижодни илмий-назарий, фалсафий ва тарихий асарлар яратиш билан уйғун тарзда олиб бордилар. Вухорлик Муҳаммад Авфий ана шундай серқирра бадийят соҳибидир.

МУҲАММАД

Муҳаммад Авфий тахминан 1172—1177 йиллар орасида Вухорода туғилган. Унинг болалик ва йигитлик йиллари она юртида ўтади. Рукниддин Масъуд Имомзода Вухорий, Али Вурҳон, Қутбиддин Сараҳсий каби замонасининг машҳур олимларидан таълим олади. Самарқанд, Хоразм, Нисо ҳамда Хуросоннинг турли шаҳарларида бўлиб, илм-адаб аҳллари суҳбатларида бўлади, юрт кўради, эл танийди. Нишопурда ўша давр араб ҳамда форсий тилдаги шеърининг ўрганиш билан машғул бўлади. Лекин бу орада мўғуллар Ўрта Осиёга ёпирилиб келади. Муҳаммад Авфий ўз Ватанига қайтолмай, Ҳиндистонга ўтиб кетишга мажбур бўлади. Олим Ҳиндистоннинг Учх, Гужорат вилоятларида яшаб, турли вазибаларни бажа-

ради, ижодий ишлар билан шуғулланади. Умрининг охириги йилларини Деҳлида ўтказган Муҳаммад Авфий 1227 йили вафот этади. Муҳаммад Авфийдан бизга қадар бир таржима, «Лубобулалоб» («Негизларнинг негизи») тазкираси, «Жавомеъ-ул-ҳикоят, лавомеъ-ул-ривоят» ҳикоятлар тўплами этиб келган. Маълумки, XIII асрга қадар форсий тилда кўп тазкиралар ёзилган. Лекин улардан бизга қадар тўла этиб келгани «Лубобулалоб»дир. Ун икки бобдан иборат бўлган ушбу тазкирада олим шеърят назариясига доир фикр-мулоҳазаларини баён этади, араб ҳамда форсий тилда биринчи бўлиб шеър ёзган шоирлар ҳақида мулоҳаза юритади. Ҳиндис-

АВФИЙ

тон, Мовароуннаҳр, Хуросонда яшаб ижод этган 299 шоирнинг ҳаёти, ижодий фаолияти ҳақида маълумот беради, уларнинг ҳаёти, айрим асарларининг яратилиши билан боғлиқ ривоятларни келтиради. Бу асар IX—XII асрлар форсий тилдаги адабиётнинг ўрганиш Хуросону Мовароуннаҳр халқлари адабий-эстетик қарашлари тарихини аниқлашда энг ноёб ва мўтабар манбаа ҳисобланади.

Муҳаммад Авфийнинг «Жавомеъ-ул-ҳикоят» асари, шарҳшунос И. Низомитдиновнинг аниқлашча, икки мингдан зиёд ҳикоят,

ривоят ва тамсилларни ўз ичига олган. Тадқиқотчиларнинг фикрига қараганда Муҳаммад Авфий мазкур асарни яратишда ўзгача яшаган арабийнавис ва форсий олимларнинг 90 дан зиёд тарихий, илмий асарларидан фойдаланган. Бундан ташқари олим кўпгина ҳикоятларни бевоҳида ўз ҳаёт тажрибалари асосида битгани ҳам шубҳасиз. Баъзи ҳикоятларда бунга ўзи ҳам ишора қилади. Адиб ҳикоятларининг аксарияти инсоф ва адолат, ақл ва заковат, вафо ҳамда садоқат, инсонпарварлик, мардлик, жасорат, илм-ҳунарга даъват сингари ранг-баранг ҳаётий масалаларни, юксак инсоний ахлоқ-одобни, идрон ва донишчи тарғиб этишга бағишланган. Унинг ижодини ўрганиш, оммалаштиришда М. Вақоев, Ш. Шомухамедов, мутаржим Кибриё Қаҳҳорованинг хизматлари катта. Шарҳшунос олим М. Вақоев Авфий ижодини пухта ўрганиб, «Жавомеъ-ул-ҳикоят»нинг бир қисмини 1966 йили нашр эттирган эди. Кейинчалик Кибриё Қаҳҳорова, И. Низомитдинов ҳамда Т. Файзиев бу асардан бир қанча ҳикоятларини ўзбек тилига таржима қилиб, нашр эттирдилар.

Филология фанлари доктори Султон Воҳидов ватандошимиз ёзувчи ва шеършунос олим Муҳаммад Авфий ижодий меросини тадқиқ ва тарғиб этишда хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Ҳамиджон ҲОМИДОВ, **филология фанлари доктори.**

НИЗОМУЛМУЛК

«СИЁСАТНОМА» ДАН

ИНҚИРОЗНИНГ ИККИ САБАБИ

Бузуржмеҳрдан сўрабдилар:

— Сен бир вақтлар сосонийлардан Нуширвонни ОДИЛнинг вазири бўлгансан. Ҳозир ҳам сендан ҳақиқатгўй ва доно одамни топиб бўлмайди. Айт-чи, Сосонийлар давлати не сабабдан инқирозга учради?

— Бунинг икки сабаби

бор, — деди Бузуржмеҳр, — биринчиси шулким, подшолар атрофидан доно ва фозил кишиларни узоқлаштириб, давлат ишларини беса-вод ва пастга одамларнинг қўлига топшириб қўйдилар. Иккинчидан, кўпгина ҳокимият балоғатга етмаган болалар билан хотинлар қўлида бўлди.

ЮРТНИ ТЕРГОЛМАГАЧ...

Султон МАҲМУД Кирмонни тасарруфга киритган кунин бир хотин унинг ҳузурига арз билан келди:

— Мен қарвон билан Дибёргачин деган жойда тўхтаган эдим. Кечаси ўша ерда бор-йўғимни ўғирлаб кетинди. Нарсаларимни ё топиб бер, ё бўлмаса қимматини тўла.

— Дибёргачин дегани ўзи қаерда экан? — деб сўради султон.

— Қанчадан-қанча мамлакатларни фатҳ этдинг. Дибёргачиннинг қаерда эканини билмайсанми?

— Билмайман, ўзинг ўғирлар ким ва қайси юртлик эканликларини биларсан?

— Биламан, улар балу-жистонлик. Бу мамлакат Кирмонга яқин.

Султон бошини қашиб бир фурсат ўйлаб турди, сўнг хотинга деди:

— Бу мамлакат менинг қўлостимдаги юрлардан олис ва менга қарамайди. Шунинг учун ҳам илтимосингни удаллолмайман.

Хотиннинг жаҳли чиқди ва деди:

— Юртни терголмагач, қанақасига ўзингни жаҳон ҳокими ҳисоблаб юрибсан? Қўйини бундан қўриқлолмасанг, қанақасига подачисан, ўзинг? Бундан чиқди иккимиз ҳам бир одам — ожиз эканмизда!

«Қадрият» саҳифасининг бу галги сонда эълон қилинган барча мақолалар учун берилган қалам ҳақи «Ўз-проектстройбанк» қошидаги МФО 172682310 р-ц 300166910 Абдулла Қодирий вақфи [жамағатиси] 700104-ҳисоб рақамига ўтказилади.



КҮРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ



Душанба, 20. I

УзТВ I

- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 18.10 «Тимсоҳ ва шер ҳақида», «Суварак». Мультфильмлар.
- 18.30 «Дала юмушлари».
- 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
- 19.15 «Ешлик» студияси кўрсатди. «Карвон», 4-қисм.
- 20.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 20.10 «Истеъдод». Адабий кўрсатув.
- 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 21.20 Наманган ёшлари иж-

росида концерт.

22.10 «Наби Ғаниев. Ижод завоқи ва машаққати». Кино-кўрсатув.

23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II

- «ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КҮРСАТАДИ
- 18.30 «Ассалому алайкум» [такрор].
- 19.30 «Таклиф». Видеофильм.
- 20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
- 20.10 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилди.
- 20.25 «Билиб қўйган яшар».

Сешанба, 21. I

УзТВ I

- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 18.10 «Узага сайёраниқлар». Мультфильм. 1-қисм.
- 18.25 «Фан ва деҳқончилик».
- 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
- 19.15 «Ешлик» студияси кўрсатди. «Карвон», 2-қисм.
- 19.45 «Табриқорлар ҳузуринда».
- 20.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 20.10 «Синьта усталари». 9-бизнес халқ артисти Ерқий Ҳотамов.
- 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 21.20 «Спортлото».
- 21.25 Ўзбекистон халқ шoirи Рамз Бобонов таваллудининг 70 йилгига бағишланган кеча. Ҳамза номидagi Ўзбек Давлат академик драма театридан олиб кўрсатилади [ёзиб олинган].
- 22.25 «Жарлик». Бадий фильм. 1-серия.

23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II

- «ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КҮРСАТАДИ
- 18.30 «Синьта усталари». 9-бизнес халқ артисти Ерқий Ҳотамов.
- 19.35 «Бибигул ва Замонбек». Телефильм.
- 20.00 «Пулус». Хабарлар.
- 20.10 «Бу оқишдан кўрсатувни саҳифаларида».
- 21.30 «Пулус». Хабарлар.
- 21.40 «Киноингоҳ».
- «ОРБИТА IV» (Москва)
- 6.00 «Тонг».
- 8.30 «Эртақлар ва саргузаштлар мамлакатига саҳмат». Киноконцерт. 1-сон.
- 9.30 Волгабўин халқлари II фольклор фестивали. Нижегороддан кўрсатилади.
- 10.00 Турли мамлакатларнинг эртақлари ва афсоналари.
- 10.45 «Нега бақа сувда яшамайди?» [Ғамит].
- 10.10 Футбол шарҳи.
- 10.40 «Ахлатхонадаги киши».

Чоршанба, 22. I

УзТВ I

- 8.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 8.20 «Саодат». Фильм-концерт.
- 8.50 «Карвон». 1-қисм [такрор].
- 9.35 Такрорий фильмлар экрани. «Уран сайрасининг йўлдоши». Бадий фильм.
- 11.05 «Ешлик» студияси кўрсатди. «Тележаридан».
- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 18.10 «Ажойиб гилам». Мультфильм.
- 18.20 «Табии ва маданий мерос».
- 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
- 19.15 «Ешлик» студияси кўрсатди. «Карвон», 3-қисм.
- 20.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 20.10 «Созимиз — овозимиз». Мусиқий кўрсатув.
- 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 21.20 Сийёс мўжозотлар. «Муносабат».

21.35 «Гул дарди...». Ниғулар ижоди.

22.45 «Жарлик». Бадий фильм. 2-серия.

23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II

- 10.30 Математика. Оддий касрлар ва улар устида амаллар.
- 11.00 «Сайёҳлар», «Шамолдан тазу». Телефильмлар.
- 11.30 Махтабгача тарбия масалалари.
- «ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КҮРСАТАДИ
- 18.30 «Уолт Дисней таништирадиди...». Мультфильмлар
- 19.20 Класик оперетталар саҳифаларидан.
- 20.00 Бизнес интервью.
- 20.20 «Уолт Саймон», «Шиноатли маҳабуб». А. П. Чехов номидagi Сахавий вилоят драма театрининг спектакли.
- 22.10 «82» тўқинида.
- 22.25 «Мехригиллар». Бадий фильм.

Пайшанба, 23. I

УзТВ I

- 8.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 8.20 «Лола Оқилова рақсга тушади». Фильм-концерт.
- 8.50 «Карвон». 2-қисм [такрор].
- 9.20 Такрорий фильмлар экрани. «Катта айни» операциясининг ҳалокати». Бадий фильм.
- 10.45 «Ешлик» студияси саволларингизга жавоб беради.
- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 18.10 «Узага сайёраниқлар». Мультфильм. 2-қисм.
- 18.25 «Аффиб» сабоқлари.
- 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
- 19.15 «Ешлик» студияси кўрсат-

тади. «Карвон», 4-қисм.

19.50 «Хива». Телефильм.

20.00 «Ўзбекистон» ахбороти.

20.10 «Орагимда оқар дарвлар». Адабий-мусиқий кўрсатув.

20.55 Тикорат хабарлари.

21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.

УзТВ II

- 10.30 Табиғатшуносик. Суз — ҳаёт ламбани.
- 11.00 «Мусиқига бағишланган умр». Телефильм.

20.40 «Чегем ҳангомаси». Бадий фильм.

22.00 Эстрада концерти.

22.30 «Лаҳза». Хабарлар.

● «ОРБИТА IV» (Москва)

- 15.00 Янгилликлар [сурдо таржимаси билан].
- 15.20 Золтан Кочич Ф. Шопен асарларини ижро этади.
- 15.30 «Сайлес Марнер». Телевизион бадий фильм [Буюк Британия телевидениеси].
- 17.00 «Эртақлар ва саргузаштлар мамлакатига саҳмат». Киноконцерт. 1-сон.
- 18.00 Янгилликлар.

18.20 «Ҳалокат учун ярим миллиард...». 2-кўрсатув.

18.55 Футбол шарҳи.

19.25 «Ахлатхонадаги киши». Тўрт серияли телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия [«Лейфильм»].

20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

21.00 Янгилликлар.

21.30 Телевизион спорт кечаси.

22.45 Муаллифлар ойнажохани: «Россиядан ҳайитнинг барча ҳодисалари учун», «Гинесс-шоу», «Акс садо», «Ҳар ҳолда», «Брокер», «Калит» видео макути», «Қишлоқда».

9.05 Франция тили. 2-йил шуғуланайтганлар учун.

9.35 Хушоатли фильм.

10.05 «Менга сўз беринг».

10.50 Ю. Подниес фильмлари. «Ешларга осонинг».

12.10 «Ешлик» студияси кўрсатди. «Нифозан».

16.00 Болалар соати.

17.00 «Простор I».

17.30 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

17.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатувини.

18.00 Хабарлар.

18.20 Эълонлар.

18.25 «Нахон боозрининг калити».

18.55 Криминал хабарлар.

19.10 «Капитал».

19.25 «Нота бене» студияси.

20.05 Ишдан бўш пайтингизда. «Парандалар биз билан ёнма-ён».

20.20 «Хар нуни байрам».

20.30 «Янги Мигалион».

20.30 Москва консерваториясининг 125 йилгига бағишланган кўрсатув.

20.50 «Ойимизга етволон». Мусиқий кўрсатув.

ги ҳодисалар», «Катталар муаммолари болалар ижодида», «Ҷарициода Рождество».

01.20 Барча даврлар мусиқиси. ● «ДУБЛЬ IV» (Москва)

16.55 «Шамол кўрсатувчи...» (Кўрғаздаги уруш. Бир йил ўтгач).

17.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатувини.

18.00 Хабарлар.

18.20 Эълонлар.

18.25 «Қирралар». Бадий-публицистик кўрсатув.

19.10 «Россия билан юзма-юз».

19.25 «Ез ҳақида хотира». Фалсафий этюд. Г. Померанс ва З. Мирнина.

20.05 Ишдан бўш пайтингизда. «Балиқ белгиси билан».

20.20 «Хар нуни байрам».

20.30 «Руслар сирин». Хужжатли фильм.

21.35 «Менга сўз беринг».

21.55 Эълонлар.

22.00 Хабарлар.

Эртанги кун мунажжимлар башоратида.

22.20 Телевизион спорт шарҳи.

22.30 «Ешлик» студияси кўрсатди. «Нифозан».

22.30 «Ешлик» студияси кўрсатди. «Нифозан».

22.30 «Ешлик» студияси кўрсатди. «Нифозан».

22.30 «Ешлик» студияси кўрсатди. «Нифозан».

22.30 «Ешлик» студияси кўрсатди. «Нифозан».

22.30 «Ешлик» студияси кўрсатди. «Нифозан».

22.30 «Ешлик» студияси кўрсатди. «Нифозан».

22.30 «Ешлик» студияси кўрсатди. «Нифозан».

22.30 «Ешлик» студияси кўрсатди. «Нифозан».

22.30 «Ешлик» студияси кўрсатди. «Нифозан».

22.30 «Ешлик» студияси кўрсатди. «Нифозан».

22.30 «Ешлик» студияси кўрсатди. «Нифозан».

23.30 «Мусиқий башорат».

23.55 «Кўшимча рейсдаги поезд кичинчи йўлда тўхтайдми». Телевизион бадий фильм. 1-серия.

01.00 «Тонг юлдузи» тунги эфирда.

● «ДУБЛЬ IV» (Москва)

8.00 Хабарлар.

8.20 Испан тили. 1-йил шуғуланайтганлар учун.

8.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонани клуб».

9.05 Испан тили. 2-йил шуғуланайтганлар учун.

9.35 «Бахтим клуб...». Болалар учун кўрсатув.

10.25 «К-2» таништиради: «Аб-за», «Коронна», «Шахс эринлиги», «Тамси-блюз». Бадий фильм.

16.00 Болалар соати.

17.00 Фигурали учини буйича Европа чемпионати. Эрнакар. Оригинал программа.

17.55 Эълонлар.

18.00 Хабарлар.

22.10 «Паролни икки кичик биларди». Бадий фильм.

23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

10.30 Зоология. Судралиб юрвучлар.

11.00 «Созандаги ўк узманг». Телефильм.

11.30 Биология. Хужайрада оқсиллар биосинтези.

● АШХОВОД КҮРСАТАДИ

● «ОРБИТА IV» (Москва)

6.00 «Тонг».

8.30 «С. Михалков масаллари», «Ўт тузоқ». Мультфильмлар.

8.55 «...16 ышгача ва ундан катталар».

9.35 «Кувонч излаб». Б. А. Покровскийнинг 80 йиллигига.

10.35 «Ахлатхонадаги киши». Тўрт серияли телевизион бадий фильм премьераси.

4-серия. * 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.

21.20 «Инсон ва қонуни».

Шанба, 25. I

УзТВ I

- 8.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 8.20 «Ошиқ Ғариб». Бадий фильм.
- 9.35 «Сабҳат — таңга роҳат». 10.05 «Карвон». 4-қисм [такрор].
- 10.40 «Китоб ва ҳаёт».
- 11.10 «Осмондан қилпч ёққан». Болалар учун эртақ-спектакль.
- 12.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз».
- 12.30 Ўзбекистон Давлат телерадио компанияси хор жамоасининг концерти.
- 13.00 «Ешлик» студияси кўрсатди: «Саҳна».
- 13.10 «Йўлнинг бехатар бўлисин».
- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.00 «Мен қизил ўрмонни чизаман». Мультфильм.
- 18.15 Усларлар учун. «Тенгдошлар».
- 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
- 19.20 Инглиз тили.

Якшанба, 26. I

УзТВ I

- 8.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 8.30 «Сирли чол». Бадий фильм.
- 9.45 «Шонрлар — болаларга».
- 10.15 Араб тили.
- 10.45 «Бу сирли олам».
- 11.15 Мантаб ўқувлари учун. «Кўшимчи, жон кўшимчи».
- 12.00 С. Сиев. «Бозор кўрмаган йинги». Видеофильм.
- 12.30 «Ойчи мулоқот». Ўзбекистон Республикаси насабо уюшмалари федерацияси кенгаши раҳбарлари иштирокида. «Шалова ансамбли ижро этади» [Ўзбекистон].
- 18.35 «...16 ышгача ва ундан катталар».
- 19.20 «Ахлатхонадаги киши». Тўрт серияли телевизион бадий фильм премьераси. 4-серия.
- 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
- 21.00 Янгилликлар.
- 21.30 «Кувонч излаб». Б. А. Покровскийнинг 80 йиллигига.
- 22.30 «Криминформ» хабар қилади.
- 22.45 «Лондондан меҳр билан ён...». 4-кўрсатув.
- 19.20 «Ешлик» студияси кўрсатди. «Ипаклари тиллодан...».
- 19.55 «Тошкент» студияси кўрсатди. «Камолот-91». Республика ви хонивдаларининг кўрик-танловининг давоми.
- 22.35 «Вонг хонининг сирин». Бадий фильм.
- 24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.
- УзТВ II
- БИШЕК КҮРСАТАДИ:
- 9.00 Кўрсатувлар тартиби.
- 9.05 «Терговин бунроқлар олиб боради». 1-қисм — «Биринчи тенкирун». Мультфильм.
- 9.25 Қирғизча сўзлашшини ўрганамиз.
- 9.55 «Юллавион».
- 10.45 «Оспурула».
- 18.00 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.05 «Терговин бунроқлар олиб боради». 2-қисм — «Аср ўғирлиги». Мультфильм.
- 18.15 «Кайра булоқ». Видео-

КҮРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

Жума, 24. I

УзТВ I

- 8.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 8.20 «Мен юртимнинг пок истакли кучман...». Телефильм.
- 8.50 «Карвон». 3-қисм [такрор].
- 9.35 «Бу разведкада бўлган эди». Бадий фильм.
- 11.00 «Ешлик» студияси кўрсатди. «Нифозан».
- 11.45 «Мухозаза».
- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 18.10 «Кийикча», «Ойимиз».
- Мультфильмлар.
- 18.25 «Фарис ва ижро».
- 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
- 19.15 Тижорат хабарлари.
- 19.20 «Нафосат оламид».
- 20.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 20.10 «Санъат усталари». Ўзбекистон халқ ҳофиз Одилов Юсуфов.
- 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 21.20 «Инсон ва қонуни».

23.30 «Мусиқий башорат».

23.55 «Кўшимча рейсдаги поезд кичинчи йўлда тўхтайдми». Телевизион бадий фильм. 1-серия.

01.00 «Тонг юлдузи» тунги эфирда.

● «ДУБЛЬ IV» (Москва)

8.00 Хабарлар.

8.20 Испан тили. 1-йил шуғуланайтганлар учун.

8.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонани клуб».

9.05 Испан тили. 2-йил шуғуланайтганлар учун.

9.35 «Бахтим клуб...». Болалар учун кўрсатув.

10.25 «К-2» таништиради: «Аб-за», «Коронна», «Шахс эринлиги», «Тамси-блюз». Бадий фильм.

16.00 Болалар соати.

17.00 Фигурали учини буйича Европа чемпионати. Эрнакар. Оригинал программа.

17.55 Эълонлар.

18.00 Хабарлар.

22.10 «Паролни икки кичик биларди». Бадий фильм.

23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

10.30 Зоология. Судралиб юрвучлар.

11.00 «Созандаги ўк узманг». Телефильм.

11.30 Биология. Хужайрада оқсиллар биосинтези.

● АШХОВОД КҮРСАТАДИ

● «ОРБИТА IV» (Москва)

6.00 «Тонг».

8.30 «С. Михалков масаллари», «Ў

САНЪАТ

• Зикир Муҳаммаджонов — 70 ёшда

ЗИКИР Муҳаммаджонов ҳам за номидаги Ўзбек давлат академик драма театрига учинчи бўлиб кириб келган ва ўз ҳаётини шу ижод маскани билан чамбарчас боғлаган атоқли санъаткордир. Ушанда у 17 ёшда эди. Саҳна санъатига меҳр-ихлоси баланд, шунга яраша истеъдоди ҳам бор эди-ю, лекин тортинчоқлиги туфайли лаёқатини юзага чиқаролмай, ўзини кўрсатолмай, оммавий саҳналарда, ушбу ролларда бир неча йил қийналиб юради. Москва драма студиясини битириб келган ва уларга таркибий қўшилган Маннон Уйғур, Етим Бобоқонов, Аббор Ҳидоят, Сора Эшонтураева, Саъдихон Табибуллаев, Шариф Қаюмов, Обид Жалилов, Шукр Бурхон, Олим Хўжаев каби саҳна соҳиблари қаторида ижод қилиш осон эмасди-да. Аммо ақл-идроқли, сабр-тоқатли Зикиржон бу йилларни бекор ўтказгани йўқ, у саҳна усталарини ҳам ҳаётда, ҳам ижодда обдан кузатди, уларнинг ҳар бирига хос маҳорат сирларини, хусусиятларини билишга ҳаракат қилди, ўзини гоҳ у актёрга, гоҳ бу актёрга қиёс қилиб юрди. Энг муҳими, театр муҳитига сингди, саҳнада образ яратиш — бу шунчаки эрмак эмас, балки катта меҳнат талаб қилувчи машаққатли касб эканини бутун қалбдан сезди. Унга биринчи бўлиб Аббор Ҳидоят йўл кўрсатди. Зикир Муҳаммаджоновнинг ўз эътирофича, Аббор Ҳидоят Шайхзода-нинг «Жалолiddин» трагедиясида ўзи қиёмга етказиб ўйнаб юрган Темур Малик ролини унга ўргатади, кунт билан ишлайди, шу баҳона ўз тажрибаси, билими, образ яратиш йўлларини, баҳодирликни ифода этиш воситаларини унга сингдиради. Инг-лоқилик, ҳиссиётга берилиш бундай пайтларда зарар келтиришини уқтиради. Роль тайёр бўлгач, Ога (Маннон Уйғур)га кўрсатадилар ва унинг розилигини оладилар. Шу тарзда Зикир Муҳаммаджоновнинг биринчи жиддий образи юзага келди. «Балки бу ролни яхши чиқара олмагандирман, — дейди Зикир ака, — аммо устоз ишончидан сўнг менда жиддий роллар ижро этишга журъат пайдо бўлди».

Чиндан ҳам шундан кейин Зикир Муҳаммаджонов қанот чиқарди. Театр институтига биринчилар қатори кириб, уни битирди, маҳорат асосларини ўзлаштирди, билимини оширди. Аммо шу билангина қаноатланиб қолмади. Олим Хўжаевга таъсир қилди, Обид Жалилов, Шукр Бурхон маҳоратига разм солди. Айниқса, Олим Хўжаевга кўпроқ меҳр қўйди, уни устоз деб билди, у ўйнаган ролларни жон-жон деб ўйнади. Саттор (Б. Раҳмонов, «Юрак сирлари»), Фердинанд (Шиллер, «Макр ва муҳаббат»), Азиз Камол (С. Азимов, «Замон драмаси»), Сальвадор Альенде (В. Чичиков, «Мен Чилига ишонаман») роллари шу жумладандир. Шубҳа-

сиз, Зикир Муҳаммаджонов мазкур ролларда Олим Хўжаев билан баҳслашиш ёки бўлмаса унга тақлид қилиш йўлидан бормади, балки ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир образга янги бўёқлар излади, баъзида янги талқин ҳам топди. Чунончи, араб давлатларидан бирининг бошлиғи Азиз Камол ролда Олим Хўжаев образининг ижтимоий-фалсафий томонини кучайтирган, қаҳрамонни йирик давлат арбоби қилиб кўрсатган бўлса, Зикир Муҳаммаджоновнинг баҳодирлик жиҳатларига, туйғуларига кўпроқ эътибор берди. Танқидчи Я. Фельдман санъаткорнинг бу образи «шу кундаги давлат арбобидан кўра, кўпроқ шарқ афсонасидаги баҳодир жангчини эслатади», деб ёганида ҳақли эди. Олим Хўжаев ҳам бир умр Зикир Муҳаммаджоновга устозлик, раҳнамолик қилди. У билан бевосита ишлаган пайтлари ҳам бўлди. «Мен «Фурқат» спектаклида Фурқат образини яратган эканман, — деб ёзади Зикир ака, — устозим Олим Хўжаевнинг яқиндан ёрдам берганлигини ҳамон миннатдорлик билан эсламан».

«Сарвиқомат дилбарим»), Баҳодир Йўлдошев Самандар (Асқад Мухтор, «Сахро тор»), Рустам Ҳамидов Едигей (Ч. Айтматов, «Асрга татигулик кун») ролларини Зикир Муҳаммаджоновга топшириб, ундаги шиддатли, баҳодир кишилар қиёфаларини гавдалантиришга қўлай имкониятнинг юзага чиқишига туртки бердилар. Кинорежиссёрлардан Зоҳид Собитов актёрдаги ушбу жиҳатларни тўғри пайқаб, унга ишонч билан Собир Раҳимов ролини топширди. Натижада бақувват лашкарбоши образи яратилди.

Актёр ижросида нафис образлар ҳам, феъл-атвори кескин, шиддатли образлар ҳам хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Саҳна санъатининг аксар жанрида у ўз кучини синаб кўрган, ўзини кўрсатган. Ҳатто бир неча сатирик ва кулгили ролларни маҳорат билан ижро этган. Агар мана шундай рангбаранг образларни ёнма-ён қўйиб тасаввур қиладиган бўлсак, актёрнинг ўзига хос ягона ижро услуби уларни занжирдай бир-бирига боғлаб турганини ҳис этамиз. Уларнинг ҳаммасида



кин («Ревизор») ва бошқа шу каби салбий роллар ҳам актёр ижро услубининг таркиб топишига ҳисса қўшган. Зеро, актёр салбий ролда ўйнаганида ҳам уларни нуқул қора бўёқлар билан чапламайди, унинг ўзига хос этиқодини, интилишини, баъзи нурли томонларини кўрсатишга ҳам ҳаракат қилади.

Зикир Муҳаммаджонов катта ҳаёт ва ижод йўлини босиб ўтди. Саҳнада, кино ва ойнаи жаҳонда яратган кўплаб мазмунли ва таъсирли образлари билан неча авлоднинг маънавий дунёсида ўз изларини қолдирди. Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри тарихини Зикир Муҳаммаджонов санъатсиз тасаввур қилолмаймиз. Унинг ижоди, услуби, этиқоди, санъатга бўлган ихлоси ёшлар учун ибратдир.

ЎЗ УСЛУБИ БОР

Энг муҳими шуки, Зикир Муҳаммаджонов устоз санъаткорнинг фидойи, интизомли бўлиш ва қаттиқ меҳнат қилиш анъаналарини пухта ўзлаштириб олди. Ҳар қачон жамият билан бирга қадам ташлаш, унга ҳалол хизмат қилиш, камтар бўлиш, санъаткор шаънига доғ туширмакликка ҳаракат қилиб келди. Умри меҳнат билан ўтди. Ҳаётни кузатиш, одамларнинг феъл-атворларини ўрганиш орқали ўз ижодига замин ҳозирлашни одат қилиб олди. Бирор бир образ осонликча қўлга кирмади. Ҳар янги роль устида катта меҳнат қилди, риёзат чекди. Саҳна санъатида ўз ўрнини, ўз услубини топиши қийин бўлди, лекин топди. Олим Хўжаевга эргашувида асос, мантиқ бор эди. Чунки Зикир Муҳаммаджонов ҳам ҳаётда Олим Хўжаевдай майин, сипо, серандиша, шу билан бирга этиқодли, мағрур эди. Ушбу хусусиятлар унинг бир қатор образларида ўз аксини топди. Аммо шу билан бирга унинг овози, юз тузилиши, ички имконияти ёрқин савияли қаҳрамонларни гавдалантиришга ҳам имкон берарди. Доимо бўлмаса-да, режиссёрлар актёрнинг шу жиҳатларига эътибор бериб турдилар. Чунончи, А. Гинзбург Абдулатиф (Шайхзода, «Мирзо Улугбек»), Т. Хўжаев Бойтемир (Ч. Айтматов,

ҳам ҳис-ҳаяжон ва эҳтирослар публицистика билан омухта бўлиб кетган.

Мазкур услуб Абдулла Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» комедиясида яратилган Деҳқонбой образидан (1952 йил) шакллана бошлаган. Деҳқонбой қайноқ, жиддий, қатъий этиқодли, талабчан, айни чоғда меҳр-шаф-



қатли ва эътиборли киши сифатида гавдаланади. Шундан эътиборан яратилган Горадио (Шекспир, «Ҳамлет»), Бойтемир («Сарвиқомат дилбарим»), Роллер (Шиллер, «Қароқчилар»), Синтаро (М. Каору, «Ўғирланган умр»), Беруний (Уйғур, «Абу Райҳон Беруний») каби ўнлаб образларда санъаткор ўз услубини чархлаб борди. Ҳар қандай актёр ижоди, гарчи у гоҳ салбий, гоҳ ижобий роль ўйнаса-да, ҳар қачон бир бутундир. Шунингдек, Зикир Муҳаммаджонов ижоди ҳам ҳар хил тоифадаги, турли замон, турли мансаб, турли этиқодга мансуб кишилар образларидан ташкил топган. Унинг ижро услубининг майдонга келишида ҳамма образлар бир хилда қатнашган. Бошқача айтганда, актёр шахсияти, образ устида ишлаганда қўлайлигини усуллари ва тасвирий воситалари бундай ранг-баранг образларни боғлаб туради. Абдулатиф («Мирзо Улугбек»), Борис («Момақалдиқ»), Ориф (И. Султон, «Имон»), Иноғом Собиров (Фарход Мусаев, «Оқ кабутар»), почта нозир Шпе-

Санъаткор ҳамон ёшлардай ижодга шай, ижодга чанқоқ, орзу-ниятлари бир олам. Шу йўлда сеvimли санъаткоримизга улкан зафарлар тилаймиз.

Муҳсин ҚОДИРОВ,
санъатшунослик доктори, профессор.

ТАҲРИРИЯТДАН: Шу йил 20 январь — душанба куни соат 18 да Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театри биносига Иттифоқ халқ артисти, Иттифоқ давлат ҳамда Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотларининг совриндори Зикир Муҳаммаджоновнинг 70 ёши таътанали равишда нишонланди.

Биз «Тошкент ҳақиқати» рўзномасининг ижодий жамоаси ва муштарийларимиз номидан атоқли санъаткоримизни бу қутлуғ ёши билан самимий табриқлаймиз, унга сihat-саломатлик, тетиқлик ва бардамлик, янги ижодий зафарлар тилаймиз.



● СУРАТЛАРДА: Зикир Муҳаммаджонов «Улугбек хазинаси» телеспектаклида Улугбек, «Собир Раҳимов» бадий фильми-

да Собир Раҳимов ҳамда «Али бобо ва қирқ қароқчи» фильмида Юсуф ролларида.

• ОҚИБАТ •

• ОҚИБАТ •

Муҳтарам муҳаррир!

Мен бу хатни сизга ёзма, тинчгина панада юраверар эдим. Худога шукур, соғ-саломатман, ўғил-қизларим олий билимгоҳларда ўқийоти, деҳқончилик қилиб ишлаб топганим ҳаммамизга етиб ортади. Лекин инсон фақат ўз ҳузур-ҳаловати учунгина яшамайди-ку? Унга моддий бойликлар билан бирга энг муҳими маънавий бойлик, руҳий куч-қувват ҳам керак-ку. Инсон бир марта туғилди, бир марта яшайди. Вақти-соати келиб, бу дунёдан ўтиб кетармиз (ҳеч ким бевафо дунёга устун бўлиб қолган эмас), ортимизда фарзандларимиз, қилган савоб-гуноҳ ишларимиз қолади. Фарзандларим ота-оналари билан фахрланишса, ҳаммаша бошларини баланд кўтариб юришса, дейман. «Э, унинг отасини, фалон вақтда кўп беъмани ишлар қилган, амалидан тушиб хор-зор бўлиб юрган...». Биласизми, ана шу гаплардан кўрқаман, фарзандларим, эл-юрт олдида юзимни ёруғ қилиб олмақчиман. Амал-қўлнинг кири, ювса кетади, лекин бирга ишлаган, бир давраларда алёр айтиб, ширин суҳбатлар қурган дўст-биродарларингдан оқибатсизлик кўрсанг, кечатгина ўзини сenga сирдош қилиб кўрсатиб юрган кишилар оёғингдан чалсалар, бунинг алами юрагингдан бир умр кетмас экан.

Мен анчадан бери «Тошкент ҳақиқати»ни ўқийман, у сирдошимга, маслаҳатчимга айланиб қолган. Рўзнома саҳифаларида ноҳақ айбланиб, қадди букилган одамларнинг тақдирлари ҳақида ниҳоятда таъсирли мақолалар бериб борилаётганлиги рўзнома обрў эътиборини оширяпти. Шунинг учун ҳам Сизга очик хат ёзишга, юрагимга тошдек тиралиб турган дардларимни очик айтишга қарор қилдим. Эҳтимол, баъзилар сўзларимга қўшилишмас, энди ўзини фаришта қилиб кўрсатаяптими, дейишар. Лекин мен виждоним олдида, Чиноз халқи олдида покман. Майли, айбимни исботлашсин, «еб қўйган, ичиб қўйган»ларимни тасдиқлашсин, ўзим бўйимни эгиб бўраман, айбдорлигимни билмаган эканман, дейман. Аммо, ўзингизнинг ҳақлигингизни билиб туриб ҳам бир чеккада ич-этингизни еб юрсангиз — бундан ёмони йўқ экан.

Хурматли муҳаррир, болалигимдан қийинчиликларда ўсдим. Отамдан «қора хат» келган, касалланд, муштипар онам аёл боши билан оғир ишларни бажарди, ўзи емай едирди, ўзи киймай бизларни кийдирди. Биласизми, 1960 йилгача тўйиб овқат еганимни билмайман, қўлимга уч сўмдан йирикроқ пул ушламаганман. Йўқчилик одамни тадбиркор қилиб қўяр экан. Бошқаларга ўхшаб кўча чангитиб юрмадим, бир сўм топсам, уни икки сўм қилишга уриндим. Йигитчиликнинг орияти кучли, рўзгор кам-кўстига қарашмасанг, тенг-тўшинг орасида қип-қизил «сўтак» номини олсанг, бундан ёмони йўқ. Худога шукур, ўша пайтда биз тенгги болаларнинг ҳаммаси ўтли-шудли чиқди, харом-хариш пул топмадик. Ёшим элликдан ошганда шулар ҳақида ўйлар эканман, хурсанд бўлман, тортган азоб-уқубатларим ёдимдан чиқиб кетади.

Олмазор қишлоқ хўжалик билим юртини битирдим. 1962 йили комсомол ишига таклиф қилишди, район комсомол комитети йўриқчилигидан биринчи котиблиги даражасига кўтарилдим. Армияда хизмат қилдим. Кейин машҳур Турсуной Охунова яшаган ва меҳнат қилган Киров номли колхоз партия комитети котиби бўлдим.

Ёшим қирққа яқинлашганда, тўрт нафар фарзандлик бўлганимда Тошкент олий партия мактабида ўқидим. Сўнг Чиноз район партия комитети йўриқчиси, Киров номли колхоз партия комитети котиби, райкомнинг ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудирини вазифаларида ишладим.

Хурматли муҳаррир, собик коммунистик партия етакчи бўлган давр мафкураси партия ходимларини кечаю-кундуз бош кўтармай ишлайдиган «темир» одамларга айлантирилганини яхши биласиз. Бошқалар шанба-бозор кунлари бола-чақалари даврасида лйраб-ёзилиб дам олишса, бизга ўхшаганлар ниҳояси кўринмайдиган кўрсатмалар, буйруқ ва топшириқларни бажариш билан овора бўлардик. Бирортаси: «Ҳой, биродар, ҳадеб ишлайверма, сenga ҳайкал қўйишармиди», демабди. Гапнинг ўғил боласини айтганда, ўша


давраларда жон фидо қилиб ишлайдиган коммунистлар, партком котиблари йўқ эмасди. Бугунги кунда шулар ҳақида ўйлар эканман, партия топшириғи йўлида ўз ҳузур-ҳаловатидан воз кечиб, кечани кеча, кундузни кундуз демай астойдил тер тўкиб ишлаган, охир-оқибатда «пахта иш»ларида айбланиб, не-не тухмат-иғволарга йўлиққан оддий коммунистларга ачинаман. Улар эътиқод қўйган коммунистик партия бирортасини ноҳақ сўроқлару, тергов чангалидан тортиб ололмади, ҳимой қилмади, партия комитетлари ўз аъзолари тақдирлари учун курашмади. Коммунистик партия обрўни йўқолдию, керакли одамлар ҳам йўқолди. Бундай кадрлар йўлда, девор тағида оддий бир буюмдек ётмай-дилар-ку?! Афсуски, нотўғри сиёсат, фақат менга тегишмас бўлди, деб, хатто энг яқин, ўзимиз яхши билган дўстларимизни ҳам мушкулликлар гирдобиде аёғиз ташлаб қўйиш одатимиз туфайли энг сара кадрларимиздан айрилдик. Партия аппаратида соғлигимни ўйламай, қоғозларга кўмилиб ишлаганимда, хатто қариндошуруғларимдан хабар олишга вақт тополмаганимда, буларнинг ҳаммаси биркунмас-бир кун ўзимга зарба бўлиб урилшини, партиявий жазога тортилиб, ич-ичимдан эзилиб юришимни қаёқдан биларми?

Қизиқ, оддий вазифаларда ишлаб ю-

100—120 квартирали уйлар қуришга киришилди. Ижроқўм район қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга алоҳида эътибор берди. Чиноз пилла, пахта, ҳар бир сигирдан сут соғиб олиш бўйича вилоят ва жумҳуриятда муттасил бир неча йил пешқадамликни эгаллади. Район тарихида биринчи марта сабзавот сотиш режаси 20 минг тоннага, лавлаги етиштириш 800, макка дони ҳосилдорлиги 50 центнерга етказилди.

Албатта, бу муваффақиятларга фақат мен туфайли эришилди, деб даъво қилмоқчи эмасман. Чиноз халқи азалдан меҳнаткаш халқ. Улар астойдил меҳнат қилдилар. Қолаверса, ижроқўм қошидаги хўжалик ва корхоналар молиявий аҳволини яхшилаш бўйича тузилган комиссия аъзолари тадбиркорлик билан ишладилар. На-тижада 1989 йилга келиб хўжаликлар даромади 1,5 баравар ошди. Уша пайтлари тонг саҳардан то кеч соат 11—12 ларгача тиним билмасдик. Менимча агар биз қараб ўтирверсак, раҳбарлик вазифаларимизни виждонан бажармасак ютуқ ва муваффақиятлар осмондан тушмасди. Яна шуни айтмоқчиманки, одамларга томорқа бериш районимизда Президентимизнинг махсус қарори чиқмасдан олдинроқ бошланган эди. Деярли ҳар йили 40—50 километр чамаси табиий газ ўтказиларди.

Район ижроия комитети раислиги — энг



Район партия комитети ижроқўм устидан ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш, маъқенини йўқотмасликка интиларди. Бошқа муаммолар қалашиб ётган, турмуш қийинчиликлари кўпайиб бораётган бир пайтда ижроқўм фаолиятига осилиш бошланди. Партия назорати комиссияси ўз текширишлари яқунларини район рўзномасида чиқартиришга муваффақ бўлди. Бу масала вилоят ижроия комитетида кўриб чиқилди, мен огоҳлантирилдим.

Лекин кимларгадир менинг амалдан кетишим зарур эди. Шунга мажбур қилишди ҳам. 1989 йили район партия комитети бюроси менга ҳисоб дафтарчамга ёзиш шarti билан ҳайфсан берди. Икки кундан кейин бўлиб ўтган район Кенгаши ташкилий сессиясида номзодим раисликка кўрсатилмади. Сессияда менга: «Бу ишларга ҳафа бўлмаслик керак, амал-қўлнинг кири, яхшилаб ювса кетади», деб тасалли беришди.

Тўғри, амал қўлнинг киридек ювса кетгани билан шунча йил ўз манфаатини ўйламай ҳалол ишлаган бир тўғри одамга қилинган ҳужумлар, бўҳтон-иғволарнинг алами юракдан осонликча кетармикини? Ҳозир район сув хўжалиги бошқармасида кичик бир лавозимда тинчгина ишлаб юрибман, ҳар кун оилам даврасида бўлман. Мен амалдан кетганимга, мансабсиз қолганимга эмас, кадр-қимматим топталганига, амалдорлик пайтида дўстман деб юрганларнинг юз ўгирганидан қўйинман. Қарангки, амалдан тушганимга кўп бўлмасдан қариндошимни бригадирликдан олишибди. Товба, одамлар шунча йилдан бери ўзимга эмас, амалимга салом бериб юришган экан-да! Яна бир куйинганим — ҳали ҳеч ким аҳволингиз қандай, дея шуңчаки икки оғиз гаплашиш учун ҳам эшигимдан кириб келгани йўқ. Ахир, мен юзи қора жиноятчи эмасдим, одамлар юз ўтирадиган бирон бир ноқўя иш ҳам қилмаганман, ўз районим тараққиёти учун курашганим, ниятларим, умидларим катта эди.

Менинг қандай ишлаганлигимни, район халқи манфаати йўлида қилган меҳнатимни тўғри баҳолайдиган, холис баҳо берадиган кўпни кўрган, таърибали раҳбарлар, менинг ўша пайтдаги фаолиятимдан яхши хабардор бўлган кадрдонлар борлигидан таскин топаман. Уларнинг номларини санаб ўтишни ўзимга эп кўрмадим. Чунки, улар гувоҳлик берсин, деган талабни ҳам қўймоқчи эмасман. Негаки, мен амал илинжида юрганам йўқ, амалдорлигининг оқибати шунақа бўладиган бўлса икки дунёда ҳам менга керак эмас. Буни мактуб ёганимни бошқача ўйлайдиган баъзи бир кишилар билиб қўйишларини истардим.

Хурматли муҳаррир, агар менинг бу мактубимни ўз рўзномангизда очик-ёриқ ёритсангиз миннатдор бўлардим. Ҳали юқориде айтганимдек, виждоним, чинозликлар олдида юзим ёруғ эканлиги, пок-лигимни ошкор қилмоқчиман, холос.

Агар ушбу мактубим рўзномада босилса, ўз ҳамкасбларни, биродарларини оғир кунларда йўқлаб туришни ўзларига эп кўрмайдиган баъзи кишиларга таъсир қилар, ўртадаги холис меҳр оқибат деган тушунчалар ёдга олинар, деган фикрдаман. Зеро биз оддий бир ҳақиқатни — инсоннинг инсонлигини билдириб турувчи фазилят амал-мансаб эмас, унинг кадр-қиммати, одамгарчилиги, савоб ишлари эканлигини унутмайлик, бошимизга ҳар қандай мушкулликлар тушганда бир-биримиздан юз ўгирмайлик, холис, беғараз дўст сифатида самимий бўлайлик де-моқчиман, холос. Ушбунни ўқиганлар мени тўғри тушинишса бас.

Хурмат билан:

Эргаш СОБИРОВ.

ТАҲРИРИЯТДАН: мазкур очик хат бўйича тегишли хулоса чиқариш ҳар бир муштарийнинг ўзига ҳавола.



ЧИНОЗ РАЙОН ИЖРОИЯ ҚУМИТАСИ СОБИҚ РАИСИ ЭРГАШ СОБИРОВНИНГ «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МУҲАРРИРИГА ОЧИҚ ХАТИ

ганимда душманам йўқ, одамларнинг муомаласи ҳам яхши эди. 1987 йили район ижроия комитети раислигига сайландим, хусуматчилар сафни кенгай бошлади. Албатта, мен бирор кишига ёмонлик қилганим, амалимдан фойдаланиб, бировга ноҳақ жабр қилганим йўқ. Ҳамма бало—мен эгаллаган амалда эди! Бу курсига кўз тиккан, раисликдан умидини узмаган одамлар зимдан иш кўраётганликларини, мени қоралашга хизмат қиладиган арзимас мисолларга маҳкам ёпишайтганликларини сезиб юрардим. Кейинги пайтда имзосиз хатлар тинкамни қуритди, қўлинг сингур, номини очик ёзмайди, осмонга қараб фол очиб, йўқ айбларимни «ижод» қилаверди. Бу иғволарни кимлар уюштираётганлигини сезардим, уларнинг ўзгарган юзларини, тик қарай олмайган кўзларига боқиб, беихтиёр ўйга толардим. Товба, бизнинг миллатда бир-бирининг тағига «сув» қўйиш қачон тамом бўларкин! Амал талашган баъзи кишилар раҳбарликини фақатгина буйруқ бериб қўйиб, хизмат машинасида ялло қилиб юришдан иборат, деб ўйлайди. Кошки шундай бўлса! Раис бўлиб ишлаган даврларим умримнинг ярмини эгавлади, соғлигимни ўғирлади. Илгарини районда тиббиёт, халқ маорифи, маданият соҳаларига эътибор берилмасди. Қисқа муддат ичида бир неча мактаблар учун янги бинолар қурилди, шаҳар марказида маданият саройи қад кўтармоқда, янги, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган тиббиёт масканлари фойдаланишга топширилди. Илгарини маҳаллий бюджетдан 16 хонадонга мўлжалланган бинолар қурилди, кейинчалик

сертлашув мансаблардан бири. Деярли ҳар кун эрталабдан эшик олдида шикоятчилар пойлаб туришади. Ҳаммасига жавоб қилишингиз, бирор чора-тадбир кўришингиз керак...

Мени нима учун айблашганлиги ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Район ижроия комитетлари зиммасига енгил автомашиналар тақсимлаш вазифаси юклатилгандан бери бошимиз жанжал, ёз-ёздан бўшамай қолганди. Ушанда бу борада бизга аниқ бир дастур белгилаб берилмаганди. Кейинчалик режа комиссияси қошида махсус комиссия тузилиб, автомашиналарга навбат қайта кўриб чиқилди. 1984 йили Белоруссиядан олиб келинган зотли қора молларни асраб қолиш мақсадида ижроқўм қарори билан давлатга 1,5 тонна гўшт топширган кишиларга енгил автомашиналар бериладиган бўлди. Уша йили 132 тонна гўшт топширилди. 500 тага яқин мол гўштга топширилмай, наслини кўпайтириш учун сақлаб қоллинди. Қахрамон оналардан 50 нафари машина олди.

1989 йили 230 та автомашина вилоят ижроия комитети таъсияси асосида корхоналар, фахрийлар кенгаши ва ижтимоий бўлим ихтиёрига ажратиб берилди.

Ўзингиз биласиз, ҳар бир районда «хизмат» кўрсатган ўз «ёзғувчи»лари бўлади, тирноқ орасидан кир топишади. Қилмиш-қидирмишлари-иғво, тухмат. Уша «маҳсус»лардан баъзилари менга ҳам келишганди, навбатсиз машина талаб қилишди, дўқ-пўнисалар ҳам бўлди. Ниҳоят ҳар хил иғволар тарқатилди. Шу йили текшир-текширлардан бўшамай қолдик. Бу кавла-кавла нақд беш ой давом этди. Текширувчилар машина олган кишилардан «Ижроқўмга неча сўм бергансан» дейишгача бо-ришди.

ДИҚҚАТ, ЯНГИ ТАНЛОВЛАР

Ташкил топганига ҳали унча кўп вақт ўтмасидан Ёшлар Иттифоқи Тошкент вилоят қўмитаси 1992 йил учун иккита кўрик-танлов эълон қилди. Бу танловлар вилоятликларни жалб қилувчи ўзига хос тадбирлар бўлиши кўзда тутилган.

«Истиқбол-92» — ёш хонандалар танловида 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган вилоятликлар қатнашишлари мумкин. Танлов иштирокчиларининг дастурларида классик ва замонавий кўшиқлар бўлиши шарт. Шунингдек, уларга ихтиёрий равишда ўзлари хоҳлаган кўшиқларини куйлаш имкони ҳам берилади.

«Ёшлар хандаси» деб номланган иккинчи кўрик-танлов эса мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилади. Унда қизиқчилик, тез айтиш, аския турлари бўйича тортишувлар бўлади. Иштирокчилар яқин ҳолда бўлгани каби, жамоавий тарзда ҳам қатнашишлари мумкин. Мактабдаги бадий-ҳаваскорлик тўғрисида ҳам шу жумлага кирилади. Танлов иштирокчилар дастури асосан мактаб ҳаётига боғлиқ бўлган воқеаларга асосланишини талаб қилади.

Танловларда қатнашиш истиқомат билдирганлар аввал Тошкент вилояти Ёшлар Иттифоқида бунга маълум қилиб ҳужжат топширишлари керак бўлади. «Истиқбол-92» танлови учун ҳужжатлар 20 январьгача, «Ёшлар хандаси» учун эса 1 февральгача қабул қилинади. Бу боғида яна бошқа кенг маълумотларга эга бўлишни хоҳлаганлар 33-60-86, 33-67-33 телефонлари орқали вилоят Ёшлар Иттифоқи га мурожаат қилишлари мумкин.

Шошилинг! Бялки омад сизга кўлиб боқар!

Ш. АБДУШОҲИДОВА.

АВТОМОБИЛНИ БОЙВАЧЧАЛАР МИНАДИМИ?

Волга автомобиль заводи машиналарига янги нархлар белгиланди. Ана шу нархлар бўйича энг арзон автомобиль «Ока» маркали енгил машина бўлиб, у харидорга 80 минг 410 сўмга тушади. «Жигули»нинг бешинчи модели бундан буён 114 минг 611 сўм, еттинчи модели — 168 минг 133 сўм, «Нива» автомашинаси 152 минг 361 сўм туради. «ВАЗ»нинг энг обрўли 99-модели учун 237 минг 866 сўм тўлаш керак. Айни бир вақтда машиналарнинг эҳтиёт қисмлари баҳоси ҳамда автомобилларга хизмат кўрсатиш нархлари ҳам анча кўтарилмоқда.

Минск автозаводининг оғир юк ташийдиган автомобиллари ҳам эркин нархларда сотиладиган бўлди. Чунинчи МАЗ — ёроч ташийдиган машиналари энди 260 минг 470 сўм, чет эл двигателли «супер» машинаси эса 1 миллион 772 минг сўм туради.

Тошкент Политехника институти томонидан РАҲИМОВА Мамура Комиловна номига берилган Г—11 № 298542 рақамли йўқолган диплом

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



Дўппи ярақлар бошида...

Суратқаш В. ТўРАЕВ.

БОШҚОТИРМА

1. Таниқли ўзбек бастакори, «Шашмақом» асари муаллифи, созанда ва хофиз. 2. Шапалоқ баргли манзарали ўсимлик, гул. 3. Кўриш аъвосининг асосий қисми. 4. Сут маҳсулоти. 5. Танаси тиканли, меваси нордон, ерда чўзилиб ўсувчи ўсимлик. 6. Новдалари ерга эгилиб

ўсувчи дарахт. 7. Соф нафис сополдан тайёрланган буюм. 8. Чирмашиб ўсувчи гул тури. 9. Чорвачилик тармоғи. 10. Тинчлик рамзи бўлган қуш. 11. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, «Нур борки, соя бор» романи муаллифи. 12. Вояга етган от. 13. Санкт-Петербургдаги машҳур музей. 14. Зот

ли чопқир от. 15. Ғарбий Осиё. Ўрта денгиз соҳилидаги давлат. 16. Ўзбек халқ рақс куйи.

Ф. ОРИПОВ
тузган.


1991 ЙИЛ 12 ОКТАБРИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН БОШҚОТИРМАНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Ёшлар бўйича марказ томон ўннга: 1. Самбо. 2. Бахши. 3. Какао. 4. Ралли. 5. Какку. 6. Маъно.

Ёшлар бўйича марказ томон чапта: 1. Савдо. 2. Барно. 3. Кирпи. 4. Раъно. 5. Капри. 6. Мавзу.

Ёшлар бўйича: 7. Анқара. 8. Африка. 9. Афанди. 10. Айлана. 11. Афсона. 12. Анъана. 13. Коп. 14. Нил. 15. Лок. 16. Кит. 17. Тут. 18. Ток.

Ушбу бошқотирмага Чинноз ноҳиясидаги 40-мактаб ўқувчиси З. Раимқулова, Бекобод ноҳияси Улугбек номли шўро хўжалигида истиқомат қилувчи А. Хўжақулов ва Тошкент вилоят савдо бошқармасининг муҳандислари Ж. Хўжаева ва Д. Абдукаримовалар тўғри жавоб йўллашган.



ҲАР ТўҒРИДА

ҚУШЛАР НЕГА

САЙРАЙДИ?

Бундай ўйлаб қараганда жуда оддий бўлиб туюладиган саволга ҳозирча узил-кесил жавоб йўқ. Кўпгина зоологларнинг фикрича, масалан, эрта баҳорда ин қуриш мақсадида бирор жойга қўниб олган эркек қуш, ўша жойнинг банд эканлиги ҳақида бошқа қушларни огоҳлантириш ёки бошқа қушларни чақириш учун сайрар экан. Лекин бунга у қадар ишониб бўлмайди.

Қушларнинг сайрашига ишқибоз кишилар турли жойларда ва ҳар хил шароитда яшайдиган бир турдаги қушларнинг овози бир-бирдан фарқ қилишини аллақачон аниқлаганлар. Масалан, Кавказда, Украинада, Санкт-Петербургда вилоятда яшовчи Қизилтўш деган қушнинг оҳанги бир хил эмас. Шунингдек булбул, бедана, читтак, саъва, тўғрай каби қушлар бир жойда, бир шароитда яшасаларда, уларнинг айримлари овозининг жарангдорлиги, сайраш истеъдоди билан бошқалардан ажралиб туради. Бу қушларнинг «нола»лари жозибадорлиги, оҳангдорлиги, товушининг кучли ва ёқимлилиги билан эшитувчини ўзига мафтун этади.

Шуниси қизиқки, қушлар болаларни боқиб даврида уларнинг сайраши сусаяди ёки бутунлай тўхтаб қолади. Бироқ бу даврда қушлар ўзига хос овоз чиқара бошлайди. Масалан, товуқ қақақлаб жўжаларини чақиради, ўрмон қушлари чийишади, каклик ёки лойхўрар бирор хавф туғилмаган бўлса, қўрқинчли товуш билан қичқириб, болаларини яширинишга чақиради. Бу ҳодисаларнинг сабаби ҳам маълум эмас.

А. АЛИЕВ тайёрлаган.

Муҳаррир ўринбосари
С. Ф. МУСАЕВ.


Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРИШЛАР

ТОШКЕНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ
НОМИДАГИ

ТОШКЕНТ
ДАВЛАТ
ЦИРКИДА



Ўзбекистонда биринчи марта
«Мубориз» ассоциацияси

КИҚБОКСИНГ, ФУЛ КОНТАКТ ҚАРАТЭ
БҮЙИЧА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БИРИНЧИ ОЧИҚ ЧЕМПИОНАТИНИ ЎТКАЗАДИ

Дастурда Ўзбекистоннинг етакчи ансамбллари иштирок этади.

Чемпионат Тошкентбой Эгамбердиев номли Тошкент давлат цирки биносида ўтказилади.

ЧЕМПИОНАТ ҲОМИИСИ — «НИГОҲ» ФИРМАСИ. Чипталар Тошкент давлат цирки кассаларида сотилади.

Касса «ЮБИЛЕЙ» спорт саройида соат 10 дан 18 гача ишлайди.

Маълумотлар олинган учун телефонлар: 44-17-81, 44-17-84, 44-35-91, 44-29-04.